



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИДАН УШЛАНМАЛАР ВА АЖРАТМАЛАР ҲИСОБИ ҲАМДА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Худойназаров Исомиддин Улуғназ ўғли

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, магистрант


<https://doi.org/10.5281/zenodo.13960212>

Бюджет ташкилотларида ҳодимлар билан ҳисоблашувларда ҳисобланган, ушланган ва берилган маблағларга қарайдиган бўлсак, ҳодимларнинг номинал иш ҳақиға нисбатан реал иш ҳақи даражаси пастлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз-ўзидан ҳодимларнинг харид қобилиятига таъсир этади. Масалан, бир ҳодимнинг реал иш ҳақи қанчалик кўп бўлса у харид қилган товар, иш, хизматларни таклиф қилган тадбиркор ёки хўжалик юритувчи корхоналар шунча кўп маҳсулот, иш, хизматларини сотади ва бюджетга тўлайдиган солиғининг ҳажми ҳам шунга яраша ошади. Бюджет ташкилотлари ҳодимларини иш ҳақи миқдорини сезиларли даражада ошириш бугунги куннинг талаби десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Мисол тариқасида шуни айтишимиз керакки энг кам иш ҳаққининг икки, уч баробари миқдорида фаолият юритадиган ҳодимларнинг қонунга мувофиқ солиқлар, йиғимлар, тўловлар тўлашини ҳисобга олсак уларнинг бирламчи эҳтиёжларини қондириш масаласи ҳам долзарб саналади. Ва булар ҳодимлар иш ҳақини ҳисоблашда меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига тегишли таъриф коеффициентларини қайтадан кўриб чиқишини талаб қилади.

Қачонки ҳодим яхши иш ҳақи билан таъминланса ушанда ишга нисбатан маъсулият ҳисси ошади. Энди назорат масаласида тўхталадиган бўлсак, бизга маълумки бюджет ташкилотларида раҳбар томонидан тайинланган шахслар ҳодимларнинг ишга келиб кетишини назорат қилади. Бу эса ҳар доим ҳам адолатли саналмайди. Шу сабабли барча бюджет ташкилотлари ҳодимларини ишга келиб кетишини янада тартибга солиш учун ташкилотда турникет ўрнатиб автоматик тарзда ҳодимларнинг давомати олиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳодимларнинг касаллик нафақаларига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳодимларнинг иш стажидан келиб чиқиб табақалаштирилганини кўришимиз мумкин. Бу масалага алоҳида эътибор қаратиб камида ойлик иш ҳақининг 80% миқдори белгиланиши таклифини берамиз.

Бизга маълумки бюджет ташкилотларида ўз ишини яхши бажарган ҳодимлар раҳбарлар томонидан ривожлантириш жамғармаси





маблағларидан рағбатлантирилади. Рағбатлантиришда аниқ бир жадвалдан фойдаланилмайди. Бу эса ҳар доим ҳам адолатли муҳитни яратмайди. Агарда рағбатлантиришга аниқ талаблар қўйилганда ҳодимлар орасида рақобат пайдо бўлиб иш унумдорлиги ошарди.

Бюджет ташкилотлари ҳодимлари иш ҳақларини сезиларли даражада ошириш, ҳодимларнинг давомати бўйича назоратни такомиллаштириш, ривожлантириш жамғармаси маблағларида ҳодимларга бериладиган рағбатлантиришни янада ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Яна шу нарсани таъкидлаб ўтмоқчиманки, бюджет ташкилотлари ҳодимларига ҳақ тўлаш жараёнида ҳақиқий харажатлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўларди. Иш ҳақини беришда номинал даромадга эмас реал даромадга эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирда мамлакатимиз давлат бюджети олдида қўйилган долзарб масалалардан бири, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартига ўтишдир. Ушбу стандартни қабул қилиниши бир қанча янги ислоҳотларни амалга оширилишини талаб этади. Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари– давлат секторидаги ташкилотларда юқори сифатда жаҳон стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича халқаро миқёсда умумқабул қилинган қоидалардир. Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари бутун жаҳонда молиявий ҳисобот стандартларининг яқинлашишида, келишувида ва янада яхшиланишида муҳим рол ўйнади.

Давлат бюджети ижроси тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бюджет ташкилотларида жумладан, таълим ташкилотларида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисоби ҳамда назоратини тўғри ташкил этиш тиббиёт муассасалари бухгалтерия ҳисоби олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Маълумки, таълим ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шаклланиш манбаалари ушбу маблағлар ҳисобига сарфларни амалга оширилиши ҳамда улар ҳисоби ва назоратини ташкил этиш қонунчилик тартибида белгилаб берилган.

Таълим ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари назоратини ташкил этишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини ўрганиш юзасидан олиб борилган изланишларимиз натижасида қуйидаги хулосаларга эга бўлдик:





1. Таълим ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари назоратини ташкил этишнинг мақсади ушбу маблағлар ҳолати ва ҳаракатига оид ахборотларининг ишончлилигини таъминлаш ва улар орқали тегишли қарорлар қабул қилишга асос бўлади;

2. Ҳозирги кунда республикамизда таълим ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисоби ва назоратини ташкил этиш ва юритиш бўйича мустақкам меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилган;

3. Таълим ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари сарфи тегишли бухгалтерия ҳужжатлари ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттирилади ва шу асосида таълим ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот шакллантирилади.

Таълим ташкилотлари ҳисоб тизимида амалга ошириладиган ислохатлар талабларидан келиб чиқиб, таълим ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари сарфланиши назоратини такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари сарфини қонуний ҳужжатлар талабларига қатъий амал қилган ҳолда амалга ошириш;

- таълим ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини қонуний ҳужжатларда кўрсатилган мақсадлар учун йўналтирилишига алоҳида эътибор қаратиш;

- моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобини ўз вақтида тўғри бухгалтерия ҳужжатларида ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттиришни таъминлаш учун ички ҳисоб сиёсатини тасдиқлаш;

- моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобини автоматлаштирилган шакл “УзАсбо” да ташкил этиш бўйича мутахассисларни касбий малакаларини мунтазам ошириб бориш;

- таълим ташкилотларинининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари сарфланиши бўйича ички назорат услубиятини шакллантириш;





Қайд этилган таклифларни амалиётда ўз ечимини топиши таълим ташкилотларинининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари назоратини янада яхшилаш имкониятини беради.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining 2016 yil 13 apreldagi «Buxgalteriya hisobi to'g'risida»gi Qonuni, № 404- sonli.
2. O'zbekiston Respublikasi "Budget kodeksi" 26.12.2013 y. O'.R.Q. – 360 - son Qonuni bilan tasdiqlangan, 01.01.2014 yildan amalga kiritilgan.
3. "Byudjet tizimi byudjetlari g'azna ijrosi qoidalar" O'zR AV. tomonidan № 2850- son bilan ro'yxatdan o'tgan;
4. "Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi Yo'riqnoma O'z.R AV. tomonidan 2010 yil 22 dekabrda № 2169-son bilan ro'yxatdan o'tgan.
5. "O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan mablag' bilan ta'minlanadigan tashkilotlarning davriy moliyaviy hisobotlarini tuzish, tasdiqlash hamda taqdim qilish bo'yicha qoidalar" O'z.R AV. Tomonidan № 2971-son bilan ro'yhatdan o'tgan.
6. Ibragimov A., Sugirbaev B. Byudjet nazorati va auditi. – T.: "InfoCOM.UZ"2010.
7. S.U.Mehmonov Byudjet hisobi. O'quv qo'llanma. – T.: "Fan va texnologiya", 2012
8. S.Mehmonov, D.Ubaydullayev. Darslik. Budget tashkilotlarida buxgalteriya hisobi.T: "Sano-standart" 2013 y.
9. Foydalanilgan internet saytlari:
10. www.lex.uz
11. www.norma.uz
12. www.tfi.uz
13. www.ziyonet.uz

